

2014 ЙИЛ

1. “КЎРГИМ КЕЛАДИ” (“ЗИЁДА”) – Драма.

“Ўзбекфильм” к/с.

Сценарий муаллифи – Мурод Муҳаммад Дўст

Саҳналаштирувчи режиссёр – Жавоҳир Қосимов

Саҳналаштирувчи оператор – М.Юсупов

Саҳналаштирувчи рассом – А.Саидов

Бастакор – Б.Зокиров

Ролларда: Д.Кубаева, Ҳ.Юсупов, Ё.Аҳмедов, Б.Муҳаммадкаримов, З.Солиева, М.Иброҳимова.

Зиёда иқтидорли санъаткор сифатида танилган. Унинг кўшиқлари халқ орасида машхур. Сиртдан бахтли кўринган аёлнинг оиласида, шахсий ҳаётида муаммолар етарли. Енгил ҳаётни орзу қилиб хорижга кетган эридан дарак йўқ. Бунинг устига, кутилмаганда ёлғиз фарзанди оғир хасталикка чалинади. Ана шундай мураккаб шароитда оқибатли инсонлар Зиёдага ёрдам кўлини чўзишади.

Асарда ўзбекона меҳр-оқибат, бағрикенглик, аёлни улуғлаш сингари эзгу ғоялар акс эттирилган.

2. “ҚЎРҒОН” (“АСКАРНИНГ БИР КУНИ”) – Драма.

“Қорақалпоқфильм” к/с.

Сценарий муаллифи – М.Низанов

Саҳналаштирувчи режиссёр – А.Ғаниев

Саҳналаштирувчи оператор – А.Арзикулов

Бастакор – Д.Аъзамов

Ролларда: Б.Йўлдошев, Н.Аллашева, Д.Ҳафизов, А.Умрзоқов, К.Алланазаров.

Фильм ҳарбий-ватанпарварлик мавзусига бағишланган. Унда мамлакатимиз Қуролли Кучларига қарашли Шимолий ҳарбий округида шартнома асосида фаолият кўрсатаётган ҳарбий хизматчиларнинг ибратли фаолияти, орзу-умидлари, кўнгил кечинмалари ҳамда ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг азалий дўстлик ришталари ҳақида бадиий талқинда ҳикоя қилинади.

3. “ЗАРБА” – Драма.

“Ўзбекфильм” киностудияси

Сценарий муаллифи – Э.Ҳасанова

Саҳналаштирувчи режиссёр – Н.Тўлаҳўжаев

Саҳналаштирувчи оператор – Ж.Шаметов

Бастакор – Ф.Янов-Яновский

Ролларда: Б.Қосимов, Р.Уласенова, Ю.Ражабова, Ф.Абдуллаев, С.Исломов.

Сценарийда бир умр санъатга содиқ яшаб келаётган фидойи санъаткорнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Бош қаҳрамон – Шариф аканинг ёши бир жойга бориб қолган, тадбиркор, бадавлат хотини уни бу касбдан воз кечиб, уйда тинчгина ўтиришга ундайди. Айнан мана шу сабаб туфайли эр-хотин

ўртасидаги муносабатлар ҳам чигаллашади. Лекин Шариф ака ўз санъатига содиқ қолиб, ёш, истеъдодли ўспиринга доирачилик касби сирларини ўртагишга бел боғлайди...

4. “ТОҒА” – Драма.

“Ўзбекфильм” киностудияси

Сценарий муаллифи ва Саҳналаштирувчи режиссёр – Р.Маликов

Саҳналаштирувчи оператор – У.Маликов

Саҳналаштирувчи рассом – М.Сошина

Бастакор - Дмитрий Янов-Яновский

Ролларда: Бобур Йўлдошев, Борис Гафуров, Нигора Каримбоева, Аббос Ниғмонов, Феруза Собитова, Али Чориев, Раъно Шодиева

Асарда тасвирланган воқеалар ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирида, тоғли қишлоқлардан бирида содир бўлади. Санжар исмли саккиз яшар болакай ёзги таътил пайтида тоғлар бағридаги овлоқ қишлоқда яшайдиган тоғасиникига меҳмонга бориб, у ерда бир муддат яшайди. Унинг тоғаси бўлмиш Жумаш гарчи қувноқ, ҳазилкаш одам бўлса-да, юрагининг бир чеккаси кемтик, яъни у билан хотини бефарзанд эдилар. Шу боис Жумаш жажжи жиянини еру кўкка ишонмай, доим ўзи билан бирга етаклаб юради. Жумаш баъзан ножоиз ишларга ҳам қўл уради. Лекин охир-оқибат ўз хатоларини тушуниб етиб, Санжарга ҳаётда ҳалол яшаш лозимлигини уқтиради. Санжар катталар ҳаётини кузатиш орқали ўзи учун зарур хулосалар чиқариб олади.

5. “САРИҚ ДЕВНИ МИНИБ” (“СЕҲРЛИ ҚАЛПОҚЧА - 2”)

“Ўзбекфильм” киностудияси

Сценарий муаллифлари – Х.Тўхтабоев, С.Каримов

Постонвқачи режиссёр – С.Каримов

Саҳналаштирувчи оператор – И.Лутфуллаев

Саҳналаштирувчи рассом – А.Саидов

Ролларда: Бунёд Раҳматуллаев, Шохруҳ Асадуллаев, Фотиҳбек Очилов, Фотима Режаметова, Муҳаммадисо Абулхайров, Шафоат Раҳматуллаева.

Маълумки, 2012 йили Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” романи асосида “Ўзбекфильм” киностудиясида яратилган “Сеҳрли қалпоқча” бадий фильмининг биринчи фасли томошабинлар томонидан қизиқиш билан кутиб олинган эди. “Сеҳрли қалпоқча - 2” фильми мазкур картинанинг мантикий давоми сифатида яратилмоқда. Унда Ҳошимжон ва дўстларининг ажойиб-ғаройиб саргузаштлари акс эттирилади.

6. “ОТА” (“МЕН ЁНИНГДАМАН”) – Драма.

“Ўзбекфильм” киностудияси

Сценарий муаллифи ва Саҳналаштирувчи режиссёр – А.Мигноров

Саҳналаштирувчи оператор – А.Арзиқулов

Саҳналаштирувчи рассом – Б.Ражабов

Бастакор – Ж.Изомов

Ролларда: Карим Мирҳодиев, Сейдулла Молдаханов, Фотих Очиллов, Хурсаной Умарова, Шахло Темирова, Дониёр Ҳафизов, Муҳаммад Рафиқов

Сценарийда ота билан фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, одамийлик, меҳр-оқибат каби ўзбекна туйғулар қаламга олинган. Вақтида фарзандлар тарбиясига етарлича эътибор беролмаган Ота ўз хатоларини тузатиш, ногирон бўлиб қолган кенжа ўғлини даволатиш учун сафарга отланади. Йўлда улар кўплаб ибратли воқеаларга гувоҳ бўлишади. Охир-оқибат у ҳаётда ҳеч қачон эзгулик беиз кетмаслигига ишонч ҳосил қилади.

7. “ГУМРОҲЛАР” – ДРАМА.

(“Заблудшие”)

“Ватан” киностудияси

Сценарий муаллифи ва сахналаштирувчи режиссёр – Ҳилол Насимов

Сахналаштирувчи оператор – Бехзод Қодиров

Сахналаштирувчи расом – Алишер Умрзоқов

Бастакор – Хуршида Ҳасанова

Ролларда: Мирза Азизов, Самандар Ҳамроқулов, Эркин Комилов, Хайрулла Саъдиев, Бахтиёр Қосимов, Жамила Ғофурова, Сайёра Юнусова, Шахло Темирова

Истеъдодли ўзбек режиссёри Мирзажон Маҳмудов уммон оти мамлакатига қилган ижодий сафари давомида у ерда яшаётган ватандошлари иштирокида ўзбек халқининг бугунги куни ҳақида ҳикоя қилувчи фильм тақдимотини ўтказди. Қизиғи, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, халқнинг тинч ва осуда ҳаётига бағишланган фильм томошабинлар орасида турлича фикр уйғотади. Баъзилар она Ватанда юз бераётган хайрли ўзгаришлардан фахр ҳиссини туйган бўлса, айримлар фильм ижодкорларини сохтакорликда айблашади...

Фильмда тақдир тақозоси билан ўзга юртларда саргардон яшаётган инсонлар қисмати, ҳаётда тўғри йўлдан адашган, ҳавойи ғоялар асирига айланган кимсаларнинг фожиаси акс эттирилган.

8. “РЎЁ” (“СОЯ”) – 85 дақиқа.

(2014-2015 йиллар давомида)

“5-студия” ЁТИУ

Сценарий муаллифи – Мурод Муҳаммад Дўст

Сахналаштирувчи режиссёр – Мирмақсуд Охунов

Сахналаштирувчи оператор – Музаффар Юсупов

Сахналаштирувчи расом – Зебо Носирова

Бастакор – Дониёр Аъзамов

Ролларда: Фаҳридин Шамсиматов, Фарҳод Абдуллаев, Муҳаммадсоли Юсупов, Нигора Каримбоева.

Воҳид тадбиркорлик йўналишида катта ютуқларга эришиш илинжида нотўғри, қалтис йўлни танлайди. У ўзгаларни лақиллатиш, турли ёлғонлар

ўйлаб топишга ружу қўяди. Ўзи танлаган йўл нотўғри эканини тушуниб етганида эса кеч бўлган эди...

9. “НОВДА”

(2014-2015 йиллар давомида)

“Ўзбекфильм” киностудияси

Сценарий муаллифи ва сахналаштирувчи режиссёр – Зулфиқор Мусоқов

Сахналаштирувчи оператор – Азизбек Арзиқулов

Сахналаштирувчи расом – Бектош Ражабов

Ролларда: Раъно Зокирова, Абдухалил Мигноров, Фотима Режаметова, Хусан Шарипов.

Фильм катта ҳаёт остонасида турган бир гуруҳ ёшларнинг мураккаб ҳаёти, бошқаларникига ўхшамаган характери, уларнинг ўй-кечинмалари ва интилишлари бадий талқинига бағишланган. Енгил юмор руҳи сингдирилган воқеалар ўзига хос фалсафий мазмунга эга...

“ЗУМРАША” БОЛАЛАР ҲАЖВИЙ КИНОЖУРНАЛИНИНГ 12 ТА ТЎПЛАМИ

“5-студия” ЁТИУ

Сценарий муаллифлари – ижодий жамоа

Сахналаштирувчи режиссёр – ижодий жамоа

Киножурналнинг мазкур сонидан болалар ҳаётининг турли қирралари акс эттирилган бир қанча ихчам сюжетлар ўрин эгаллаган. Барча сюжетлар юмор оҳангига йўғрилган, ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эга.

2014 ЙИЛ

1. “ТУЛКИВОЙНИНГ ТАВБАСИ”

“Ўзкинохроника” к/с.

Компьютер графикаси. 1 қисм.

Сценарий муаллифи – Т.Тўлқин

Бош режиссёр – М.Исмоилов

Саҳналаштирувчи рассом – Ш.Алиев

Бастакор – Б.Зокиров

Айёрлик ва ёлғончиликни ўзига касб қилиб олган Тулки ўрмонда яшайдиган содда ҳайвонларни лақиллатишни хуш кўради. Лекин бу одати унга панд беради. Тез орада қилмиши фош бўлиб, ўрмон аҳли орасида кулгига қолади. Ўрмон ҳукмдори бўлмиш Арслон уни узоқларга бадарға қилади.

Сценарий жажжи ёшдаги томошабинларга мўлжалланган бўлиб, воқеалар содда, қизиқарли тасвирланган.

2. “АҚЛТОЙНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ” (“ТИЛБИЛИСТОНГА САЁҲАТ”)

“Синема-сервис” студияси

Компьютер графикаси. 1 қисм.

Сценарий муаллифлари – М.Иброҳимова, З.Йўлдошева

Бош режиссёр – Э.Шойимқулов

Оқила ва Олимтой исмли болакайлар сеҳрли Тилбилистон мамлакатига тушиб қолишади. Ақлтой исмли бола уларга йўл кўрсатади. Тилбилистон мамлакатада ширин-шакар мевалар фарқ пишган, турли ширинликлар болаларга мунтазир эди. Қизиғи, бу егуликлар уларнинг инглиз тилидаги номланишини билган болаларганина насиб этарди. Инглизчани яхши ўрганган Оқила бу борада қийинчиликка дуч кемайди. Лекин бу дарсни етарлича ўзлаштирмаган Олимтойнинг анча тер тўкишига тўғри келади.

Фильм қувноқ воқеалар орқали болалар ўртасида хорижий тилларни ўрганишнинг аҳамиятини тарғиб этишга мўлжалланган.

3. “САРИШТАЛИ УЙ – ФАРИШТАЛИ УЙ”

“VRC” студияси

Компьютер графикаси. 1 қисм.

Сценарий муаллифи – Евгения Палехова

Саҳналаштирувчи режиссёр – Алексей Кидисюк

Саҳналаштирувчи оператор – С.Шарофиддинов

Басткор – Алберт Халмурзаев

Фильм 2010 йилда суратга олинган “Соҳибжамол кўғирчоқ” мультфильмининг мантиқий давоми сифатида ишлаб чиқаришга туширилган.

Унда моҳир уста ясаган кўғирчоқларнинг бошидан кечирган ажойиб-ғаройиб саргузаштлари орқали ўзбек қизларига хос бўлган ҳаё-ибо, ширинсуханлик, меҳнатсеварлик каби эзгу фазилатлар ҳамда миллий либосларнинг афзаллиги тарғиб қилинади.